ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

# 60110200 – МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

**бакалавриат таълим йўналишининг**

# МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

Тошкент – 2022

ЎзР ОЎМТВ
Буйруқ № 302
09. 09. 22

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат педагогика университети.

**ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги ________________________________ бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил «29» __08__ даги __5__ - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил «9» __09__ даги 302 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

**ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби олий таълимнинг Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкаси ва касб стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА


| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| 1. | 60110200 – Мактабгача таълим бакалавириат таълим йўналишининг умумий таснифи | 4 |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси | 4 |
| 1.2. | 60110200 – Мактабгача таълим бакалавириат таълим йўналиши бўйича касбий фаолиятлари таснифи | 5 |
| 1.2.1. | 60110200 – Мактабгача таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари | 5 |
| 1.2.2. | 60110200 – Мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари | 5 |
| 1.2.3. | 60110200 – Мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари | 6 |
| 1.2.4. | Таълим йўналиши бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари | 6 |
| 1.2.5 | Таълимни давом эттириш имкониятлари | 6 |
| 2. | 60110200 – Мактабгача таълим бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар | 8 |
| 2.1. | Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар | |
| 2.2. | Касбий компетенциялар | 9 |
| 2.3. | Фанга доир компетенциялар | 9 |
| | Келишув варақаси | |
| | Малака талабини ишлаб чиқишда фойдаланилган касб стандарти | |

## 1. *60110200– Мактабгача таълим* бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

***60110200 – Мактабгача таълим*** бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

- Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади.
- Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 3 йил. Сиртқи таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4,5 (5) йил бўлиши мумкин.
- Бакалавриат ўқув дастурининг ҳажми таълим шакли (кундузги, кечки), фойдаланиладиган таълим технологияларидан қатъий назар 180 кредит бирлигини ташкил этади.
- Бир ўқув йили учун бакалавриат таълим дастурининг хажми 60 кредитни ташкил этади.
- Мазкур йўналиш доирасида ўқув дастурлари ўзаро яқин бўлган бакалавриат таълим йўналишлари бўйича асосий ва қўшимча мутахассислик (квалификация) бериш амалга оширилиши мумкин. Академик гуруҳ танлови асосидаги траекторияга кўра квалификация университет илмий кенгаши томонидан тасдиқланади. Қўшимча мутахассислик (квалификация) учун ўқув режанинг танлов фанлари таркибидан 40-60 кредит миқдорида ўқув ташкил қилиниши назарда тутилади.

### 1.1. Қўлланиш соҳаси

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби *60110200 – Мактабгача таълим* бакалавриат таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

Малака талаби *60110200 – Мактабгача таълим* таълим йўналиши бўйича бакалавриат тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди .

**1.1.2.** Мактабгача таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаблари асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналиши(таркиби)нинг бакалавриат таълим йўналишларидан бирини

ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2.** ***60110200 – Мактабгача таълим*** **йўналиши бўйича бакалаврнинг касбий фаолиятлари таснифи**

**1.2.1.** ***60110200 – Мактабгача таълим*** **йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:**

***60110200 – Мактабгача таълим*** **бакалавириат** таълим йўналиши мактабгача таълим, у мактабгача таълим ташкилотлари, академик лицейлар, техникумлар учун бакалавриат таълим йўналиши бўйича педагогик кадр тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган фанлар, педагогик фаолият воситалари, усуллари, методлари;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тармоқ илмий-тадқиқот институтларида ҳамда мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-педагогик тадқиқот ишлари билан шуғулланиш;

оммавий ахборот воситалари, давлат бошқаруви органлари, бошқа давлат ва нодавлат муассасаларида касбий фаолият юритиш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2.** ***60110200 – Мактабгача таълим*** **бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:**

- таълим жараёни; ўқитишнинг педагогик технологиялари ва методлари;
- таълимнинг назарий масалалари; ўқитиш методикаси;
- лойиҳалаштириш асосида ўқув жараёнини бошқариш технологиялари, маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни, шахсий ва касбий ахборот майдонини шакллантириш жараёни, мактабдан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни; таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни; таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этиш;
- мос ихтисослик бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари,маънавий-маърифий тарғибот ишлари жараёнлари.

***60110200 – Мактабгача таълим*** **бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

*- мактабгача таълим ташкилотларида тарбиячи бўлиб фаолият юритиши, ўрта прфессионал таълимнинг мактабгача таълим йўналиши бўйича техникумларда касбий фанлардан ўрнатилган тартибда дарс бериш;*

*- мактабгача таълим ташкилотларида тарбиячи,услубчи бўлиб ишлаш;*

*- таълим тизимида кабинет мудири, лаборант ва унга тенглаштирилган лавозимларда ишлаш;*

*- ўрта профессионал таълим мактабгача таълим йўналиши бўйича техникумларда мактабгача таълим методикалари ўқитувчиси мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист бўлиб ишлаш;*

*- мактабгача таълим фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;*

*- архивларда, ахборот-ресурс марказларида, нашриётларда, оммавий-ахборот муассасаларида, қўлёзма фондларида, турли тадбиркорлик субъектларида, нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларида ҳамда бошқа муассасаларда ишлаш;*

*- маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш;*

*- ишлаб чиқариш соҳасида мактабгача таълим педагогикаси, ўқитишнинг дидактик воситалари, таълимнинг электрон воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.*

*- фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.3.** ***60110200 – Мактабгача таълим*** **бакалавриат таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- *педагогик;*
- *илмий-тадқиқот;*
- *маънавий-маърифий;*
- *ташкилий-бошқарув;*

Таълим йўналиши йўналишлари бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4.** ***60110200 – Мактабгача таълим*** **йўналиши бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари:**

Битирувчилар касбий қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин олий, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган турдош (соҳага мос) фанларни ўқитиш имкониятига эга бўлади.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

***60110200 – Мактабгача таълим*** **бакалавриат** таълим йўналиши бўйича бакалавр ***5А111501-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (Мактабгача таълим)*** магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## 2. *60112000 – Мактабгача таълим таълим* таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

**2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**:

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши;
- гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.
- таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

• тегишли бакалавриат йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

• кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

**_2.2. 60112000 – Мактабгача таълим таълим_ таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

**Педагогик фаолиятида:**

-мактабгача педагогика ва методика фанларини ўқитишда намунавий инновацион технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

-ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;

-электрон ўқитиш воситаларидан самарали фойдаланиш;

-замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноаънанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

-ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

-ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш;

-мустақил таълим ва илмий-ижодий қидирув ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш.

-таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш;

-яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;

-таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;

-таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларидан унумли фойдаланиш; ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

-талабаларнинг креатив салоҳиятни таълим тизимни ахборотлантириш жараёнида шакллантириш вамривожлантириш;

-таълим менежменти бўйича билим ва кўникмаларни шаклантириш ва ривожлантириш;

-таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

-илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш қобилиятига эга бўлиши;

-замонавий тадқиқот методлари ва методологияси, таълим-тарбияга доир назариялар, концепциялари, илғор тажрибалардан фойдаланиш малакасига эга бўлиши;

-илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

-интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар хақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

-таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

-илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

-маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

-тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Маънавий-маърифий фаолиятида:**

-маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

-ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

-глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

-маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

-миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Ташкилий-бошқарув фаолиятда:**

-мактабгача таълимга оид турли тадбир, анжуман ва маърифий суҳбатларни ташкиллаштириш;

-педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

-атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

-жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

-фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;

-бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**2.3. Касбий компетенциялар:**

– Ўқув-тарбия жараёнини моделлаштириш ва уни таълим амалиётига татбиқ этиш,

– Турли ёш даврларида инсоннинг хулқ-атвори ва фаолиятини бошқаришнинг ўзига хосликлари, психик ва психофизиологик ривожланишнинг махсус қонуниятлари ҳамда индивидуал ўзига хосликларини ҳисобга олиш воситаларидан фойдланиш қобилиятига эгалик, ота-оналар(ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан муносабатга кириша олиш;

– Психологик ва педагогик тадқиқотларнинг миқдор ва сифат методларини эгаллаганлик.

– Турли ёш гуруҳидаги болаларнинг ривожланиши, мулоқоти, фаолиятини ташхис этиш методларидан фойдаланиш қобилиятига эгалик;

– Ўқитиш, тарбия, ривожланишнинг турли назарияларига доир билимлар, таълимнинг турли босқичларида ўқитиш дастурларидан фойдаланиш қобилияти;

– Болаларнинг хилма-хил фаолиятини ташкил этиш усулларини эгаллаганлик;

– Таълим жараёни субъектларининг биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолияти ва шахслараро ўзаро ҳаракатини ташкил этиш усулларини эгаллаганлик;

– Педагоглик касбининг юксак ижтимоий аҳамият касб этишини тушуниш, касбий этика тамойилларига риоя қилиш;

– Жамиятнинг ижтимоий-маданий тузилмасининг ўзига хосликлари, шунингдек, миллий тарбиянинг қонуният ва тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, кўпмаданиятлилик муҳитида касбий фаолиятни ташкил этиш усулларини эгаллаш;

–Касбий вазифаларни ҳал этишда фанлараро ва ваколатли тузилмаларнинг биргаликдаги фаолиятида иштирок этишга қобилиятлилик;

–Касбий фаолиятда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро ва миллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш қобилияти,

–Танқидий фикрлаш методикасини ўзлаштирганлик;

–Инклюзив таълимга қадриятли муносабатнинг таркиб топганлиги, узоқ вақт даволанишга муҳтож ўқувчилар билан ишлаш (госпитал педагогика) технологиясига эга бўлиши;

–Таълим олувчиларга ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига мослашувчанликка доир компетенцияларни ривожлантиришга ёрдам берадиган ва фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга имкон берадиган натижавийлик ва мобилликка йўналтирилган ўқитишга қобилиятлилик.

**Фанга доир компетенциялар.**

– ***60113000 – Мактабгача таълим психологияси ва педагогикаси йўналиши*** таълимининг ўзига хосликларини англаш, турли типдаги таълим муассасаларида ўқувчиларни ўқитишда узвийликни амалга ошириш воситаларини эгаллаганлик;

– мутахассисликнинг назарияси ва амалиёти доир замонавий билимларни эгаллаганлик;

– мутахассисликка доир билим, кўникма ва малакаларни қўллай олиш ҳамда эгалланган таянч билимларни ўқувчиларга етказиш қобилияти;

– мутахассислик фанларидан соҳанинг назарий асосларини пухта эгаллаган бўлиши ва ундан турдош тармоқларда самарали фойдалана олиши;

– мактабгача педагогика ва методика фанларини ўқитишда намунавий инновацион технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

– ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш, электрон ўқитиш воситаларидан самарали фойдаланиш;

– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноаънанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

– ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш;

– Мактабгача таълимда психологик ва педагогик фанларини ўқитиш методикаси фанининг ривожланиши, тарихи, педагогик технологиялар, ўқитиш методлари, ўқитиш воситаларини амалиётга самарали қўллай олиши, таълимни ДТС меъёрлари, ўқув дастурларига кўра ташкил этиши, баҳолаш мезонларини тушуниши, халқаро баҳолаш тадқиқотларини билиши ва ўқувчиларнинг табиий-илмий саводхонлигини (PISA контекстлари) ривожлантириш фаолиятида замонавий таълим технологияларидан самарали фойдалана олиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши;

**Касбий квалификациялар:**

мактабгача таълим ташкилотлари (давлат, нодавлат), меҳрибонлик уйларида тарбиячи педагог, психолог, услубчи;

ихтисослашган мактаблар, лицей ва профессионал таълим муассасаларида мутахассислик ва қўшимча мутахассислик (квалификация) фанларидан дарс бериш, таълим тизимида методист, ишлаб чиқариш объектлари ва ташкилотларда лаборант, фанлар академияларида лаборант-тадқиқотчи мутахассис квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

**Малака талабини ишлаб чикишда фойдаланилган касб стандарти:**

| Касб стандарти номи | Касбий фаолият тури | Касб стандартининг қайд қилиш рақами | Касб стандартини амалиётга жорий этиш санаси |
|---|---|---|---|
| Умумий ўрта таълим мактаб ўкитувчиси | Умумий ўрта таълим педагогик фаолият | Р.003.1286/И-21 | 23.08.2021 №332 ИЧ |

*Манба: Касб стандартлари реестири.* *Манба: Касб стандартлари реестри.* *https://prof-standart.uz/uz/profStandart/1291*

-маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

-тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Маънавий-маърифий фаолиятида:**

-маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;

-ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;

-глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;

-маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;

-миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Ташкилий-бошқарув фаолиятда:**

-мактабгача таълимга оид турли тадбир, анжуман ва маърифий суҳбатларни ташкиллаштириш;

-педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;

-атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

-жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;

-фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;

-бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

**Илова**

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

| **Ўқув даврлари** | **Хафта тақсимоти** |
|---|---|
| Назарий ва амалий таълим<br><br>*Шу жумладан, аудитория (контактли) ва мустақил таълимнинг нисбати* | 40-65%<br><br>*40/60 нисбатдан 50/50 % нисбатгача* |
| Аттестация | 6-15% |
| Таътил | 8-15% |
| Малакавий амалиёт | 6-25% |
| Битирув малакавий иши | 2-7% |

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002: 651. 1/7

**Таянч сўзлар:**
Касбий фаолият тури, компетенция, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режаси ва фан дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув даври, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, ўқув режа, модуль, амалиёт, амалиёт объекти, аттестация, таътил, малакавий амалиёт, битирув малакавий иши.

***60110200 –Мактабгача таълим*** **бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**

| Фан коди | Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари | Умумий юклама-нинг ҳажми, соатларда |
|---|---|---|
| **1.00.** | **Мажбурий фанлар** | **3970** |
| 1.01. | Умумий психология | 240 |
| 1.02. | Умумий педагогика | 240 |
| 1.03. | Математика | 150 |
| 1.04. | Ўзбекистоннинг энг янги тарихи | 120 |
| 1.05. | Медиасаводхонлик ва ахборот маданияти | 120 |
| 1.06. | Инклюзив таълим. Госпитал педагогика | 120 |
| 1.07. | Узлуксиз таълимдаги тенденциялар ва замонавий ёндашувлар | 60 |
| 1.08. | Мутахассисликка кириш | 240 |
| 1.09. | Мактабгача таълим-тарбияни ташкил этиш | 300 |
| 1.10. | Болаларнинг ижтимоий мослашуви | 240 |
| 1.11. | Болаларни саҳналаштириш ва ижодий фаолиятга ўргатиш | 240 |
| 1.12. | Болалар психологияси ва психодиагностикаси | 300 |
| 1.13. | Мактабгача таълимда STEAM технологиялари | 180 |
| 1.14. | Нутқ ўстириш методикаси | 240 |
| 1.15. | Болалар жисмоний тарбияси | 240 |
| 1.16 | Тасвирий фаолиятга ўргатиш методикаси | 240 |
| 1.17. | Элементар математик тасаввурларни шакллантириш методкаси-каси | 120 |
| 1.18. | Табиат билан таништириш методикаси | 300 |
| 1.19. | Болалар мусиқий таълими методикаси | 300 |
| 1.20. | Элементар математик тасаввурларни шакллантириш методикаси | 120 |
| **2.00.** | **Танлов фанлар** | **1530** |
| 3.00. | **Педагогик амалиёт** | **810** |
| | **ЖАМИ** | **5500** |
| | **ҲАММАСИ** | **6310** |

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

**Ректор_________________ А.Киргизбаев**

**202__ йил «_____»____________**

**М.Ў.**

**КЕЛИШИЛГАН:**

ОЎМТВ ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадкикотлари ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор_____________ Ш.У.Якубов

202__йил «_____»_____________

М.Ў.

**Кадрлар буюртмачиси:**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази

Директор_____________ Ш.Ш.Саттаров

202__ йил «_____»____________

М.Ў.

Жиззах давлат педагогика университети

Ректор_____________________

2022 йил «_____» __________

М.Ў.

Қўқон давлат педагогика институти

Ректор _______________

2022 йил «_____» __________

М.Ў.

***60110200- Мактабгача таълим психологияси ва педагогикаси***
**бакалавриат таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талаби мазмуни бўйича ишчи гурухи**

| № | **Ишчи гурух раиси ва аъзолари** | **аъзоларнинг Ф.И.Ш** | **Лавозими, илмий даражаси ва унвони** | **Имзо** |
|---|---|---|---|---|
| 1 | раис | Х.Ш.Кадиров | Низомий номидаги ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректори | |
| 2 | раис ўринбосари | М.Т.Ҳамдамова | Низомий номидаги ТДПУ Мактабгача таълим факультети декани | |
| 3 | аъзо | Г.Э.Джанпеисова | Тошкент шахридаги А.И.Герцен номидаги Россия дпавлат педагогика университети Мактабгача таълим кафедраси мудири доцент, п.ф.н. | |
| 4 | аъзо | Н.Н.Джамилова | Низомий номидаги Мактабгача таълим методикаси кафедраси профессори,п.ф.д. | |
| 5 | аъзо | М.А.Расулхўжаева | Низомий номидаги Мактабгача таълим методикаси кафедраси в.б доценти,PhD | |

Ўқув ишлари бўйича проректор Х.Ш.Кадиров

Ўқув-меъёрий ҳужжатларни такомиллаштириш бўлими бошлиги Б.Дж.Саттарова

Факультет декани М.Т.Ҳамдамова